

ЎЗБЕКИСТОН ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КРЕДИТ ПОРТФЕЛИНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

Мирзаев Жахонгир Муҳаммадҷон ўғли

Ўзбекистон Республикаси банк-молия академияси магистранти

Аннотация. Бугунги кунда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириши ҳамда банк тизимини либераллаштириши шароитида кредит операциялари муҳим ўрин эгаллайди. Тижорат банклари кредит операциялари банк даромадларини шакллантирувчи асосий фаолият бўлганлиги сабабли кредит портфелининг сифат даражаси барқарорлигини таъминлаш, кредит портфелини шакллантириши ва бошқариши бугунги кунда банкларнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Калит сўзлар: банк активлари, тижорат банки, кредит, кредит портфели, муаммоли кредит, даромад, риск, фоиз ставкаси, захира.

2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида фақатгина бозор талаблари асосида кредитлаш, банкларнинг давлат ресурсларига бўлган қарамлигини камайтириш, кредит портфели сифати ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш, кредитлаш ҳажмлари ўсишининг мўътадил даражасига амал қилиш мамлакат банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясининг устувор йўналишлари сифатида эътироф этилган¹. Бу эса, ўз навбатида, тижорат банкларининг кредит портфелини бошқариш амалиётини такомиллаштириш заруриятини юзага келтиради.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармони//www.lex.uz.

Айни вақтда, республикаимиз тижорат банкларининг кредит портфелини бошқариш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолар мавжуд.

Жумладан, муддати ўтган кредитлар миқдорининг катта эканлиги, кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари даражасининг ушбу кўрсаткичнинг меъёрий даражасидан юқори эканлиги, банкларда баланслашмаган ликвидлик муаммосининг мавжуд эканлиги бу борадаги долзарб муаммолар жумласидандир.

2024 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, республикаимиз тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг умумий ҳажмида муаммоли кредитларнинг салмоғи 3,5 фоизни ташкил этди².

Ҳозирги даврда, республикаимизда тижорат банклари кредитларининг даромадлилиги ва рисклилиги ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш, кредит рискинни баҳолаш ва бошқариш амалиётини такомиллаштириш, кредитларнинг баҳоларини барқарорлигига эришиш, кредитларнинг ресурс таъминотини мустаҳкамлаш, тижорат банкларининг кредитлаш фаолиятини тартибга солиш амалиётини такомиллаштириш, кредит олувчиларнинг дефолт рискинни баҳолаш аниқлигини ошириш, банкларнинг кредитлаш фаолиятини инновациялар асосида ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.


Тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг таркибини ва динамикасини таҳлил қилиш кредит портфелининг амалдаги ҳолатига баҳо беришда муҳим ўрин тутаяди. Бунда, кредитларни муддатига кўра, валютавий таркибига кўра, тармоқ хусусиятига кўра таркибини таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилади. 1-расм маълумотларидан кўринадикки, биринчидан, 2019-2023 йилларда республикаимиз тижорат банклари активларининг миқдори ўсиш тенденциясига эга бўлган; иккинчидан, тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг миқдор мазкур даврда ўсиш суръатларини намоён

² [Муаммоли кредитлар//www.cbu.uz](http://www.cbu.uz).
www.pedagoglar.org

этган; учинчидан, 2019-2023 йилларда мамлакат тижорат банклари активларининг ҳажмида кредитлар нисбатан юқори салмоқни эгаллаган.

1-расм

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг активлари ва кредитлари миқдори, млрд. сўм³



Изоҳ: маълумотлар ҳар бир молиявий йилнинг 31 декабрь ҳолатига олинган.

Кредитлар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини молиялаштиришнинг асосий манбаларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли, 2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида фақатгина бозор талаблари асосида кредитлаш, банкларнинг давлат ресурсларига бўлган қарамлигини камайтириш, кредит портфели сифати ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш, кредитлаш ҳажмлари ўсишининг мўътадил даражасига амал қилиш мамлакат банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясининг устувор йўналишлари сифатида эътироф этилган.

³ Расм муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг (www.cbu.uz) статистик маълумотлари асосида тузилган.